



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ЮБИЛЕЙ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисини 70 йиллик юбилеи билан чин дилдан табриклаб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, катта муваффақиятлар, биродар Тожикистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Президент Эмомали Раҳмоннинг замонавий Тожикистонни барпо этиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида бугунги юксак даражага эришишидаги ўрни алоҳида қайд этилди.

Сухбат чоғида илгари эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Саноат, қишлоқ хўжа-

лиги, энергетика, транспорт ва бошқа муҳим йўналишлардаги устувор кооперация лойиҳаларини илгари суришга хизмат қиладиган Қўшма инвестиция фонди ўз фаолиятини бошлагани мамнуният билан қайд этилди.

Фаол ҳудудлараро мулоқотларни янада кенгайтириш, мамлакатларимизда қўшма ишбилармонлик ва маданий тадбирларни ўтказиш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди, бўлажак кўп томонлама учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ НАМАНГАН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, республикада тўқимачилик саноатидаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида:

1. Наманган шаҳрида **Наманган тўқимачилик саноати институти** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Институтда ўқув жараёни 2023/2024 ўқув йилидан бошланади ва кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: **тўқимачилик саноати тармоқлари** учун меҳнат бозорига рақобатбардор, юқори малакага эга **олий маълумотли ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш**, шунингдек, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

**таълим дастурларини етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда**, жумладан, қўшма таълим дастурлари асосида жорий этиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш;

**таълим билан ишлаб чиқаришнинг интеграциясини кучайтириш**, соҳа ташкилотларида тала-

баларнинг малакавий амалиётини йўлга қўйиш, кафедра филиалларини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкасини ташкил этиш;

ўқув жараёнини **талабаларда мустақил билим олиш**, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, **тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтириш**;

ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибани, жумладан, **замонавий таълим технологияларини татбиқ этиш**, очик ахборот-таълим муҳитини таъминлаш;

**илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш**, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказларида ташкил этиш.

3. Белгилансинки, Институтда таълим жараёни нуфузли **хорижий давлатлар олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда**, жумладан, қўшма таълим дастурлари асосида ташкил этилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Президент таълим муассасалари агентлиги, “Ўзтўқимачилик саноат” уюшмаси ва “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси билан ҳамкорликда:

▶ Давоми 2-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

## ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР, ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛ РИШТАЛАРИ

Ўзбек ва венгер халқларини муштарак тарихий илдишлар, яқин ҳамкорлик ришталари бирлаштириб келади. Бундай муносабатларнинг шаклланиши ўтмишда Шандор Кёрёши Чома, Херман Вамбери, Оноди Бертулан, Енё Зичи, Дьёрдь Алмаши, Аурель Штейн каби машҳур венгер олимлари ва сайёҳларнинг хизматлари катта. Хусусан, Херман Вамбери 1858 йилда 14 минг сўздан иборат “Немисча – туркча”, 1860 йилда 40 минг сўзни ўз ичига олган “Ўзбекча – немисча” луғатни Истанбулда нашр эттирган.



Олим-тадқиқотчиларнинг қайд этишича, Вамберининг минтақамизга қилган саёҳати асосида яратилган “Буҳоро тарихи ёки трансаксония” ва “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” асарлари бугунги кунда ҳам Европада, хусусан, Венгрияда Марказий Осиё давлатлари тарихи,

геоисий аҳамияти, маданий, тарихий, иқтисодий жараёнларга таъсир этган омиллари ва минтақамиз тарихини ўрганишда қўлланма сифатида фойдаланиб келинади.

▶ Давоми 2-бетда

## ВЕНГРИЯ ОАВЛАРИДА

## “ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН ҲОЗИРГИДЕК ФАОЛ БЎЛМАГАН”

Венгриянинг етакчи оммавий ахборот воситалари, жумладан, босма ва электрон нашрлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг 3-4 октябрь кунлари ушбу мамлакатга амалга оширган расмий ташрифини кенг ёритди.

Жумладан, Венгрия ҳаёти ва халқаро янгиликларини ёритиб борадиган “Index” янгиликлар сайтида эълон қилинган мақолада “3-4 октябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Венгрияда расмий ташриф билан бўлди. Ийгиликли йил аввал Венгрияга охири марта олий даражадаги ташриф амалга оширилган бўлиб, бу ташрифнинг аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди”, дея таъкидланади.

“Ўзбекистон Венгриянинг Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим савдо ҳамкорларидан бири бўлиб, Венгрия ҳукуматининг “Шарққа очилиш” сиёсатининг бевоқифа натижаси сифатида муносабатлар жадал ривожлана бошлади”, деб ёзади “#moszkvater” портали.

“Hir.tv” янгиликлар телеканалининг веб-сайтида ҳам Ўзбекистон етакчисининг ташрифи кенг ёритилди. “Венгрия ва Ўзбекистон ўртасида барқарор, истиқболли шериклик ва дўстлик муносабатлари мавжуд бўлиб, икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган”, дея таниқли сиёсатчи, Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийяртонинг сўзларидан иқтибос келтирилади веб-сайтада.

Давлатимиз раҳбарининг расмий ташрифи ҳақидаги янгиликларни тезкорлик билан ёритиб борган “BAON” порталида эълон қилинган материалда “Венгрия Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги ўта муҳим ҳамкор сифатида қарайди. Ҳамкорлик сиёсат,

хавфсизлик, иқтисодиёт ва энергетика нуқтаи назаридан стратегик аҳамиятга эга”, дея қайд этилган.

Венгриянинг MTVA жамоат телерадиокомпаниясининг асосий ахборот дастури — “Hirado.hu”да эълон қилинган материалда ташриф давомида Венгрия Президенти ва Бош вазири билан самарали музокаралар ўтказилгани таъкидланган. “Томонлар Венгрия — Ўзбекистон муносабатларини ҳар томонлама стратегик шериклик асосида мустақамлашнинг истиқболларини ҳар томонлама кўриб чиқди”, деб ёзади “Hirado.hu”.

“Metropol” ахборот портали “Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳеч қачон ҳозиргидек фаол ва қизғин бўлмаган, бу борада Венгрия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши фаолияти алоҳида аҳамиятга эга”, дея Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг сўзидан иқтибос келтиради.

Венгриянинг “Gyorplusz.hu” янгиликлар портали ҳам Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи бағишланган таҳлилий мақола эълон қилди. Унда музокаралар натижасида Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклини ривожлантириш, шунингдек, адлия, экология, спорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликини ўз ичига олган ўн бешта келишув имзолангани алоҳида таъкидланган.

“Дунё” АА

Будапешт

▶ Давоми 4-бетда

## ТААССУРОТ

Дунёда сувга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Истеъмолчи кўп, лекин манбалар ўша-ўша, ўзгармаган. Турли экологик вазиятлар, табиий ҳодисалар сув тақчиллигига сабаб бўлмоқда.

## ЭҲТИЁЖ ОРТМОҚДА, МАНБАЛАР ЭСА ЎЗГАРМАГАН

Лойиҳалар аниқ мақсадга йўналтирилса, яхши самара беради

Сув муаммоси мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун янгилик эмас. Унинг танқислигини камайтириш бўйича кўплаб ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси ҳамда мазкур йўналишдаги лойиҳалар аниқ мақсадларга қаратилган саъй-ҳаракатлар мева-сидир. Қолаверса, бунда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига биноан, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ташкил этилгани ҳам аниқ мудоао бўлмоқда.



▶ МАЗКҲУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОПЛАВҲАГА УТИНГ.

## НУҚТАИ НАЗАР

## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАТЕМАТИКА ИЛМ-ФАНИ

Иккисини бирлаштириб турувчи “олтин ҳалқа”лар мавжуд

Математика илми ҳар қандай давлатнинг бугунги ва келажакини белгилайди. У ҳаётнинг барча жабҳасида, жумладан, иқтисодиёт, саноат, қурилиш, кимё, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, машинасозлик ва бошқа соҳаларда юксак тараққиётга эришиш, инновацион иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун ўта муҳим. Керак бўлса, ушбу йўналишлар бўйича давлат ва жамият олдида турган долзарб масалаларни математика илмисиз ечиш амримаҳол.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани тубдан ислоҳ этиш бўйича муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда математика илмига давлат сиёсати даражасида эътибор берилётганининг ёрқин далили сифатида фан равнақи учун янги тарихий даврни бошлаб берди.

▶ Давоми 5-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КИНО САНЪАТИ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Ўзбек киносини таъсирчан, қамровли ва халқчил санъат турига айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Миллий кинематографияга мамлакатимиз тарихида ҳали бу қадар юксак эътибор қаратилмаган эди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил ноябрь ойида “Ўзбекфильм” павильонига ташриф буюриб, киноижодкорлар олдида турган қатор вазифаларга тўхталиб ўтди. Хусусан, миллий кино фондини ривожлантириш, Киночилар уйини қайта тиклаш, хориждаги энг сара кино дурдоналаримизни қайтариш, миллий кино музейини очиш, янги ўқув масканларини ташкил

қилиш юзасидан ўз фикрлари, таклиф-тавсиялари, кўрсатмаларини берди.

Ислохотлар, хусусан кинематографиядаги ислохотлар самараси ҳаётда акс этиши учун, аввало, ижро интизоми керак. Зеро, ҳар қандай ҳужжат ёки қарорнинг ҳаётдаги ижроси таъминланмаса, ислохотлар натижадорлиги юзга чиқмайди.

Шу ўринда айрим рақамларга диққат қаратсак, вазият анча ойдинлашади. 1991 йилдан 2016 йилга қадар мамлакатимизда кино соҳасида 7 та меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилган бўлса, 2017-2021 йиллар давомида ушбу йўналишда йигирмага яқин қарор, фармон ва турли ҳужжатлар қабул қилинган. 2022 йилда давлат бююртмаси асосида фильмлар ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағ 2017 йилдагидан ўн баравар ортди.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИНАМАНГАН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ИНСТИТУТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

а) 2023/2024 ўқув йилига қадар тўқимачилик саноти ривожланган хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларини ҳамкор сифатида белгилаб, Институт таълим жараёнини замонавий ўқув дастурлари асосида ташкил этсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб: Институт профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва магистрантларини хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим ташкилотлари ва илмий стажировка ва малака оширишга юбориш чораларини кўрсин;

Институт талабаларининг танишув ва малакавий амалиётини хорижий ва маҳаллий йирик тўқимачилик корхоналарида ўташ тизимини жорий этсин;

Институт талабаларининг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичини ва профессор-ўқитувчиларнинг иш самарасини халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этсин;

в) 2024/2025 ўқув йилига қадар Институт ҳузурида тўқимачилик технопарки фаолиятини йўлга қўйсин.

Бунда, Технопарк:

Наманган вилояти ҳоқимлиги томонидан жалб этиладиган халқаро ташкилотларнинг грантлари ва салоҳиятли инвесторлар маблағлари ҳисобига, жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилади;

Институт таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади ҳамда унга технологик махсуслотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва тижоратлаштириш ҳуқуқи берилади;

ҳўжалик фаолиятдан олинган даромадлар, грантлар, ҳомийлик хайриялари, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) 2026/2027 ўқув йилига қадар Институтнинг каммида 2 та бакалаврият таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислигининг

халқаро тан олинган ташкилотлар аккредитациясидан ўтказилишини таъминласин.

4. Институт таркибида қуйидагилар юридик шахс мақомисиз ташкил этилсин:

Тўқимачилик матолари технологиялари ва уларни тадқиқ қилиш ҳамда Бўяш-пардозлаш жараёнлари технологиялари ва уларни тадқиқ қилиш лабораторияларидан иборат тўқимачилик соҳасида илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи Илғор тўқимачилик муҳандислиги мактаби;

таълим жараёнида ва ундан ташқари вақтларда талабаларга замонавий либос кўриinishларини яратиш имконини берувчи Дизайн студияси;

илмий-тадқиқот ютуқларини тижоратлаштириш ҳамда янги ишланма ва технологияларни амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи Инновациялар ва технологиялар трансфери маркази.

5. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин: халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 талика кирган хорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш;

иш берувчилар талаблари асосида ўқув режаларидаги назарий таълим улушини қисқартириш ва амалий машғулотлар ҳажминини ошириш, юқори курс талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотларини "4+2" тартибда ташкил этиш;

Институт фаолияти йўналишлари бўйича шартнома асосида маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматлар кўрсатиш ҳамда илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш;

таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

профессор-ўқитувчиларни ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари ва "устоз-шогирд" тизими бўйича бажарган ишларининг натижаси бўйича рағбатлантириб бориш.

6. Қуйидагилар:

2023-2026 йилларда Наманган тўқимачилик саноти институтини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ; Наманган тўқимачилик саноти институтини 2026 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Наманган тўқимачилик саноти институтида ташкил этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки:

Институт юридик шахс мақомига эга бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Институтга талабаларни давлат гранти асосида қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси доирасида аниқланади;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Наманган муҳандислик-технология институтига тўқимачилик саноти бўйича бакалаврият ва магистратура босқичларида кадрлар тайёрлаш бўйича ажратилган давлат буюртмаси квотаси Институтга йўналтирилади;

Наманган муҳандислик-технология институтининг тўқимачилик саноти таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таҳсил олаётган талабалар ўқиши Институтга қўйиладиги;

Институт фаолияти Давлат бюджети маблағлари, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, ҳўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Наманган муҳандислик-технология институтининг тўқимачилик ўқув лабораторияси жиҳозлари Институт балансида ўтказилади.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) 2023/2024 ўқув йилига қадар: Институтни танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида катта илмий ва (ёки) амалий тажриба орттирган мутахассислар, устувор равишда, илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириб чорасини кўрсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда халқаро нуфузли олий таълим ташкилотларида фаолият юритувчи чет эллик ва (ёки) хорижда яшовчи ватандош профессор-ўқитувчиларни шартнома асосида ўқув ва Илғор тўқимачилик муҳандислиги мактабининг илмий-тадқиқот жараёнларида жалб этиш чораларини кўрсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Институт иختисослашган факультет ва кафедраларининг мис йўналишлари бўйича давлат улушига эга йирик тўқимачилик корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича "йўл картаси"ни тасдиқласин;

б) Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича Институт учун кадрларни мақсадли тайёрлаш;

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда Институт таянч докторантурасига тегишли иختисосликлар

бўйича қабул квоталарини белгилаш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институт учун янги ўқув бинолари ва талабалар турар жойини қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш, Институтнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш лойиҳалари 2023 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

10. Институтга Наманган шаҳар, "Гулбод" МФЙ, Жанубий айланма йўли кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган Наманган тадбиркорликни ташкил этиш техникумининг бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошқулпов ҳамда Наманган вилояти ҳоқими Ш.Ш.Абдуразаков белгилансин.

Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
ПрезидентиТошкент шаҳри,  
2022 йил 5 октябрь

## Ш. МИРЗИЁЕВ

## БУГУНИНГ ГАПИ

ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР,  
ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛ РИШТАЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Вамбери ўз юртига қайтганидан кейин кўп ўтмай унинг "Чигагой тили сабоклари" номли яна бир китоби босилди. Унинг "Хрестоматия" қисмида бундан бир ярим асрдан сал олдинроқ, яъни 1867 йилда ўзбек мақолларидан 112 тасининг аслини ўзбек-арабий ҳамда лотин имлосида, давомидан олмон тилига таржимасини беради.

Шу йил Мелен ойи охирида Венгриянинг Веленце шаҳарчасидаги қабристонда гулчамбар қўйиш маросими ўтказилди. Шу тарихи ушбу мамлакатда яшаб ижод қилган ўзбек олими Мулла Исоқ Иброҳим таваллудининг 186 йиллик муносабати билан ватандошимизнинг улкан ишларига ҳурмат кўрсатилади.

Веленце шаҳри мэри Янош Ховари ўз сўзида венгер ва ўзбек халқлари қадим алоқаларга эгалигини эътироф этар экан, икки халқнинг тарихий келиб чиқиши бир-бирига туташ илдизларга қириб тақаллишини, ўзаро тарихий муносабатлар XIX асрда Ҳерман Вамбери ва Мулла Исоқнинг ўзаро дўстлиги натижасида қайта тикланганини, юртдошимиз ўз ҳаёт йили ва ижоди билан Венгрия маданияти ривожига ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, Исоқ Иброҳим асли Қўнғиротда туғилган ва Хивада мадрасада таҳсил олган. Вамберининг юртимиз шаҳар, қишлоқлари ва чет мамлакатларида сафарларида ҳамкорлик қилган. Кейинчалик Вамбери билан Венгрияга келган, бир умр дўсти ва шогирди бўлиб қолган.

Исоқ Иброҳим Венгрия Фанлар академиясининг Шарқ қўлғемалари бўлимида ишлади, венгрияликларга ўзбек ҳамда бошқа турк тилларини ўқитди. Европанинг илмий доираларида катта обрў-эътиборга эга бўлди. У ўзбек халқ мақоллари, эртак ва топшиқларини венгер тилига таржима қилиб, Венгрия Фанлар академиясининг филология бўлими томонидан чоп этиладиган "Тилшунослик ахбороти"да эълон қилди. Ҳатто машҳур венгер ёзувчиси Янош Ароннинг "Ажойиб охунинг ҳикояти" асарини ҳам ўзбек тилига таржима қилган.

Ушбу асар ўтган йили давлатимиз раҳбарининг сўзбоси билан Тошкентда янги таҳрирда нашр этилди. Президентимиз ўзбек ва венгер халқлари ўртасидаги тарихий дўстликнинг ёрқин

ифодаси бўлган ушбу китобни Венгрия Бош вазири Виктор Орбанга 2021 йил март ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида тўхфа қилди.

Товар айирбошлаш ҳажми  
3 баробар ошди

Кейинги пайтда Ўзбекистоннинг Венгрия билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлашиб бораётган. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Утган йил Венгрия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида қўшма декларация қабул қилинган эди. Шунингдек, турли вазирлик ҳамда идоралар ўртасида кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қаратилган 10 дан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Экспертлар мазкур воқеалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги давр бошланганлигининг далолати сифатида баҳолагани бежиз эмас.

— Гап шундаки, аввало, бундай кенг қамровли ўзаро стратегик ҳамкорликка Европа давлатлари орасида биринчи бўлиб Венгрия билан эришилди, — деб ёзди Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, сиёсий фанлар доктори Сайфиддин Жўраев. — Икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, икки мамлакатнинг ўзига хос ўхшаш жиҳатлари, Венгриянинг Марказий Европада, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда жойлашганлиги, шунингдек, Венгрия Европа давлатлари учун Ўзбекистонга, ўз навбатида, Ўзбекистон Венгрия учун Марказий Осиё мамлакатлари бозорига кўприк вазифини бажариш истиқболлари ҳамкорликни янги ютуқлар билан тўлдирганини кафолатлади...

Шубҳасиз, ривожланган давлатлар, айниқса, европаликларда Ўзбекистонга нисбатан ишончининг ортанлиги юртимиз тараққиётининг янги даври учун ўзига хос ва мос хусусият бўлиб, бу мамлакатимизнинг дунёга интеграциялашуви янги импульс беради. Бу ҳолат, ўз навбатида, ўзбек — венгер муносабатларининг янги йўналишларини топишга, ишга туширишга имкониятларни янада кенгайтиради.

Ҳақиқатан, шундай. Ўзаро муносабатлар ривожланишининг бугунги даражаси ҳам бунга тасдиқлаб турибди. Сўнги тўрт йилда Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми



3 баробар ошди. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткични қарийб 50 фоизга ошириш мақсад қилинган. Президентимизнинг расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Венгрия бизнес форумида умумий қиймати 1 миллиард доллардан зиёд инвестиция, савдо ва молиявий келишувлар имзолангани ҳам томонлар ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигининг наватбадга яққол тасдиғи бўлди.

Маданий-гуманитар соҳада делегациялар алмашуви мунтазам равишда амалга оширилмоқда, улар ҳар икки давлатда ўтказилган турли халқаро маданий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Яна бир эътиборли томони, "Хунгарikum" дастури доирасида Венгрия ҳуқуқати томонидан ажратилган грант дастури доирасида Ўзбекистонлик талабалар Венгриянинг етакчи олий таълим муассасаларида бепул ўқиш имкониятига эга бўлмоқда. 2021 йил сентябрь ойидан бошлаб мамлакатимиз учун тегишли квоталар сони 100 тага етказилган бўлса, 2022-2023 ўқув йилида докторантура босқичи учун қўшимча 50 та, жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича 20 та ўрин ажратилди.

Қишлоқ ҳўжалигидаги  
инновацион лойиҳалар

Айни кунда Венгрия қишлоқ ва шаҳарчаларида бўлсангиз, қўз фаслига хос ранго-ранг навбарлар эътиборингизни

тортади. Унинг белгиларидан бири — оддий қовоқлар. Йилнинг шу фаслида қовун ва тарвузнинг турдоши бўлган, ҳар хил улчам, шаклдаги минглаб олтинранг, зарғалдоқ, йўл-йўл "тўн" кийган қовоқлар даладар бўйларини эгаллайди, бозорларда сунъий пирамидалар ҳосил қилди, супермаркетлар эшиги олдида ўзларини кўз-қўз қилади.

Аксар фермер ҳўжаликлари Мартон-вазар шаҳрида ўтказиладиган бундай неъматлар фаслида иштирок этади. Айни пайтда бу фестиваль ташриф бўлиб ўтувчилар, олимлар ва мутахассислар учун мулоқот қилиш ва келгусидаги қўшма тадбирларни режалаштириш учун ажойиб жой. Унинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги масъул ходимлари ва Венгриянинг "Marton Genetics" илмий-тадқиқот институти раҳбарияти ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали маккажўхори ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруқчилигини ривожлантириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга қаратилган лойиҳалар муҳокама қилинди. Бу лойиҳалар вазирлик билан "Marton Genetics" илмий-тадқиқот институти ўртасида имзоланган меморандумда ҳам ўз ифодасини топди.

Шу ўринда Венгриянинг "AgroFeed Kft" компанияси вакили Александр Янчевскийнинг сўхбатлардан бирида айтган фикрлари ёдга тушади.

— Ўзбекистонга келишдан олдин Вамберининг "Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат" китобини синчиклаб ўқир эканман, унинг юртингиз ҳақидаги шундай фикрлари диққатимни тортган эди:

"Мевалари Эрон ва Туркиядагина эмас, бутун европадагилардан тотили Тенги йўқ, ажабтоғур қовунлари Пекин-гача маълум... Бир арава қишки қовунга бир арава шакар тўлашади. Уларнинг ширинлиги тўғрисида европаликлар ўз тасаввур ҳам қиллолмайди. Улар шу даражада ширин ва хушбўйлик, оғизда эрийдди. Агар улар нон билан ейилса, бизга инъом этган энг яхши таом шу бўлади".

Орадан бир ярим аср ўтиб мен ҳам Ўзбекистонда бўлар эканман, машҳур ватандошимнинг Хива, Бухоро, Самарқанд ва Қаршиннинг ўзига хос табиати, иқлими, дунёга машҳур неъматлари ҳақида хайрат билан ёзганларининг шунча вақт ўтганига қарамай, ҳар жабҳадаги тасдиғини кўрдим. Айниқса, қовунлар ҳали-ҳануз ана шундай ширин. Қовун сайлида бўлсангиз, ўзингизни эртақлар оламга кириб қолгандай ҳис қиласиз. Танти, оқил ва меҳнатқаш одамлар, ўз касбининг фидойи мутахассислари, изланувчан ва интилувчан олимларнинг яратувчанлик ишлари ҳавас ўйотади. Улар билан ишлаш ва ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш кишига завқ беради, руҳлантиради.

Президентимизнинг Венгрияга расмий ташрифи чоғидаги музокараларда стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга, энг аввало, ўзаро савдонини қўпайтириш, фармацевтика, агросаноат мажмуи, машинасозлик, сувни тежаш ва бошқа йўналишларда саноат кооперациясини чуқурлаштиришга қаратилган қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Биз Ўзбекистоннинг вазирлик ва компаниялари билан уч йилдан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди "AgroFeed Kft" компаниясининг МДХ мамлакатлари бўйича директори Томаш Топерцер. — Ўзбекистон Президентининг ташрифи давомида имзоланган битим ва келишувлар чорвачилик ва паррандачилик соҳаларидаги ҳамкорликни янги босқичга чиқаришга хизмат қилиши билан ҳам бизни мамнун этяпти.

Чунки бу йўналишдаги ишлар қармо-ви тобора кенгайиб бораётган. Масалан, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда паррандачилик ва

чорвачиликка иختисослашган корхоналарга ветеринарий хизматини ташкил этиш, парранда, чорва молларини озиклантириш бўйича амалий кўмак кўрсатиб келяпмиз, илмий-амалий семинарлар ўтказиб, мутахассислар билан тажриба алмашишни йўлга қўйганмиз.

Инсон соғлом бўлиши учун бир йилда ўртача 10 килограмм парранда гўшти ва 100 дан ортиқ тухум истеъмол қилиши зарур. Чунки улар пархез маҳсулотлари ҳисобланиб, инсон организми учун жуда фойдали. Шу жиҳатдан қараганда ҳам Ўзбекистонда мазкур соҳани ривожлантиришга курсатилмаётган эътибор ва рағбат ҳар қандай кишини мамнун этади.

Маълумотларга қараганда, агар 2019 йилда мамлакатда 14 миллион парранда боқилиб, 12,5 миллиард дон тухум этиштирилган бўлса, ўтган 2020 йилда бу кўрсаткич 1,5 баравар, 2021 йилда эса паррандалар сони 90,1 миллиондан ошган. Ана шундай ўзгаришларга эришишда Венгриянинг паррандачилик компаниялари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бугунги кунда компаниямиз энг зотдор ва махсусдор кроссларни Ўзбекистонга олиб келиш, уларни иқлимлаштириш, паррандачилик ҳўжаликлари ва омухта ем ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга жўжа, озуқа махсулотлари билан қўшимчалари, дори воситалари билан таъминлаш, ана шундай корхоналарни янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар устида иш олиб бораётибиз.

Ана шундай лойиҳалардан бири бундан икки ой олдин Кармана туманидаги "Colden Lake Miracles" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилди. Жамиятга Венгрия давлатининг "BABOLNA TETRA" компаниясидан "Super Hargo" насли 10 минг бош хонақи ҳўжалар келтирилди. МЧК таъсисчиси Азиз Сувоновнинг қайд этишича, мазкур насли паррандалар юқори махсусдорлиги билан ажралаб туради, жуда тез ўсади. Масалан, 3,5 ойлик ҳўрознинг вази тахминан 2 килограммга, 5,5 ойлик тухум қўядиган товۇқ вази эса 2-2,5 килограммга етади.

Қайд этиш жоиз, Президентимизнинг Венгрияга расмий ташрифи сўнги йилгича йил ичида биринчи марта бўлиб ўтаётгани билан тарихий аҳамиятга эга. Айни кезде бу ташриф ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда ўтди. Саммит давомида қатор муҳим икки томонлама шартномалар ва дастуруламал ҳужжатлар имзоланган мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлашга, айниқса, тадбиркорларнинг ўзаро алоқаларини янада кенгайтиришга, ишончининг ошишига хизмат қилади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири





www.yuz.uz

ҚАРОР ВА ИЖРО

## КУЗ-ҚИШ МАВСУМИ:

# ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛА

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралли уй-жой фондиди 2022/2023 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашни таъминлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, яъни умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими иншоотларини мавсумга тайёрлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.



**Қурбон ТУРСУНОВ,  
уй-жой коммунал  
хизмат кўрсатиш вазири  
ўринбосари**

Аслида, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш мавсумий иш эмас ва уни бир йил ёки беш йилда яқунлаб ҳам бўлмайди. Бу доим эътибор талаб этадиган ҳамда такомиллашиб борадиган жараён. Бугунги кунда бутун республикамиз бўйлаб бунёдкорлик ишлари тобора кенгайиб, кўп қаватли уйлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганини инобатга олсак, бу жараён қанчалик аҳамиятли эканини янада чуқурроқ англаймиз. Сўнгги пайтларда коммунал соҳада ҳам хизмат кўрсатувчи, ҳам истеъмолчи қулай ва фойдали бўлган янгиликлар татиб этилмоқда. Самарали бошқарув услубларида ўйланган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан,



тадбиркорларнинг марказлашган иссиқлик таъминотига уланишига қулайлик яратилган. Яъни иссиқлик тармоқларига улаш ишлари учун техник шартлар тадбиркорлик субъектлари ёки архитектура ва қурилиш бўйича туман (шаҳар) бошқармаси (бўлими) буюртмаси асосида бажарилди. Иссиқлик таъминоти ҳам дастлабки шартларсиз уч иш кунидан ошмайдиган муддатда йўлга қўйилади.

Шунингдек, иссиқлик таъминоти соҳасида давлат-хусусий шериклики йўлга қўйиш мақсадида Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизими Франциянинг “Veolia” компанияси бошқаруви берилди.

Бундан ташқари, Татаристон Республикасининг “КЭР-холдинг” масъулияти чекланган жамияти ва вазирлигимиз ўртасида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича меморандум имзоланган. Унга кўра, айни пайтда Тошкент вилоятининг Ангрэн ва Чирчиқ шаҳарларига инвестиция киритиш шартли билан бошқарувага бериш бўйича ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Бу йилги мавсумда 2967 та кўп

квартиралли уй-жойни таъмирлаш, 1815 километр ичимлик сув тармоғи, 1 689 та насос ускунаси, 88 080 километр электр узатиш тармоғи, 29 135 та трансформатор пунктини мукаммал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган. Эътиборлиси, бу борадаги ишлар аллақандай бошлаб юборилган. Хусусан, тизим корхоналари томонидан 24 та марказий ва маҳаллий қозонхона, 809 та қозон ҳамда 737 километр иссиқлик тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлса, бугунги кунда 19 та қозонхона, 789 та қозон ва 581 километр иссиқлик тармоқлари мукаммал таъмирдан чиқарилиди. Бошқа йўналишдаги ишлар ҳам давом эттирилмоқда.

Шунингдек, бу йил 149 километр газ қувири ва 299 та газ тақсимлаш пунктлари таъмирланади, истеъмолчиларга 314 400 тонна суюлтирилган газ етказиб берилиб, 1 миллион 700 минг тонна кўмир захираси яратилади. Бу 7 432 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи аҳоли эҳтиёжи қондирилади, дегани.

Олис, бориш қийин ҳудудлардаги 723 ижтимоий соҳа объекти иситиш мавсумига тайёрланиб, аҳолига 1,5 миллион тонна ичимлик суви етказиб бериш қоралири кўрилади. Умуман, республикамизда бу каби ишлар учун жорий йилда 2 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Куз мавсумида ҳаво совиб, ёмғир ёға бошласа, аҳоли “бу йил уйимиз қандай иситилар экан, ёки “свет”имиз ўчмасмикин?” деган уйга тушиши мумкин. Мамлакатимизда уй-жой коммунал соҳасида амалга оширилаётган ишлар, аввало, шу каби муаммолар юзга келишининг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Жумладан, Наманган, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Андижон, Бухоро ва Тошкент вилоятлари иссиқлик тизими модернизация ва реконструкция қилинмоқда. Шу орқали 62 361 хонадондан иборат 1399 кўп қаватли уй ҳамда 96 ижтимоий соҳа объектига иссиқлик энергияси узлуксиз етказиб берилишига эришилади. Шунингдек, “Ўзбекнефтегаз” ва “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятлари билан ўзаро келишилган жадвалга кўра, 2022 йил октябрь–2023 йил март ойларида суюлтирилган газ таъминотини ҳам узлуксиз етказиб бериш кафолатланади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, иситиш мавсуми ҳудудлар масъулларининг, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан бошланади ва яқунланади. Бунда беш кун мобайнида ўртача ташқи ҳаво ҳарорати 8°C дан паст бўлганда бошланиши ҳамда 8°C юқори бўлганда эса тамомланиши керак. Демак, ана шу ҳароратда таъминотчи иссиқликни бермаса, истеъмолчи талаб қилишга ҳақиқ.

yuz.uznews

yuz\_official

yuz.uz\_news

## ТААССУРОТ

# ЭҲТИЁЖ ОРТМОҚДА, МАНБАЛАР ЭСА ЎЗГАРМАГАН

Лойиҳалар аниқ мақсадга йўналтирилса, яхши самара беради



Бошланиши 1-бетда

Ҳозирги кунда марказ томонидан Жаҳон банки иштирокида “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш”, “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза”, “Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг “Аму-Бухоро ирригация тизимини тиклаш”, Саудия Тараққиёт жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг “Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (3-фаза)”, Ислон тараққиёт банки иштирокидаги “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазарбоғ-Оққапчиғай каналлари тизимини қайта тиклаш)” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Яқинда бир гуруҳ журналистлар “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза” лойиҳаси доирасида ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида водий вилоятларида бўлди. Умумий қиймати 228,2 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳага Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссаси 83,3 миллион АҚШ доллар. Унга Европа Иттифоқининг яна 16,4 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги гранти жалб этилади. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бажариладиган лойиҳа муддати етти йил (2017–2024 йиллар) этиб белгиланган.

Лойиҳанинг мақсади сугориларидаги деҳқончиликни барқарор ривожлантиришни таъминлаш ва Фарғона водийсининг урта сублоийҳаси — Исфайрам-Шоҳимардон (54 375 гектар), Подшоота-Чодак (29 507 гектар) ва Савай-Оқбурасой (19 740 гектар) ирригация тизимларида сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тежамкор технологияларни жорий этиш орқали сув танқислигининг олдини олиш, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Ушбу лойиҳа асосида 2022 йил январдан 2024 йил мартгача “Қишлоқ ҳўжалигини интенсификация ва диверсификациялашни қўллаб-қувватлаш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш” тренинг дастурини ўз ичига олувчи лойиҳанинг Б компонентини “Anpexure Financial Solutions Limited” (Гонконг) / “SMEC International Pty Limited” (Австралия) компаниялари консорциуми амалга ошириб келмоқда.

Сафаримизнинг дастлабки манзили Фарғона туманидаги Сирдарё-Сўх ирригация тармоқлари ҳавза бошқармаси кўргазма майдони бўлди.

— Вилоятда олтига шундай кўргазма дала майдони барпо қилинади, — дейди лойиҳа бош муҳандиси Баҳодир Файзуллаев. — Ҳозиргача шунинг биттаси Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли ёрдамчи ҳўжалигининг 9 гектар ерида ташкил этилди. Мазкур дала майдони нимаси билан ажралиб туради? Аввало, у ўз номи билан кўргазмали. Яъни бу ернинг 8 гектариди бoғ ташкил этилган бўлиб, томчилик сугориш технологияси ўрнатилган.



Сув бошқариш қурилма ва иншоотлари техник кўриқдан ўтказилиб, сув сақлаш ҳовузига мембрана (ҳовуздаги сув ерга сингиб кетмаслиги учун бетонлашдан олдин қўйиладиган махсус тўшма) тўшалди.

Шунингдек, кўргазмали дала майдонининг очиқ жойларига бошқа экинлар ҳам экилади. Бир сўз билан айтганда, майдонда ҳудуд фермерлари, томорқа ер эгалари, умуман, аҳоли нафақат тежамкор технологиялар билан танишиши, мутахассислардан маслаҳат ва тавсиялар олиб туриши мумкин.

Тумандаги Гулистон канали узунлиги 2,14 километрни ташкил этади. 191 гектар пахта, 191 гектар ғалла ва 317 гектар бoғ ва бошқа экинлар шу каналдан сугорилди. Жами истеъмолчилар эса 249 нафар. Шунинг 37 таси фермер ҳўжалиги, 12 таси деҳқон ҳўжалиги бўлса, 200 нафар маҳаллий аҳоли ҳам канал сувидан фойдаланади. 2020 йил



сентябрь ойида канал пудратчи “Rahmon Umar Fayz” ҳамда “Kogon Neftgazenergo SERVIS” масъулияти чекланган жамиятлари тормонидан тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилган.

Туманинг “Янгиобод” МФЙ ҳудудидаги 78-тик сугориш қудуғида эса замонавий сув тежовчи технология ўрнатилган. Навбатдаги манзил сифатида танланган ушбу объектларда қилинган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар олдик.

## Фарғонада бир манзил бор

Пресс-тур давомида борилган ҳар бир объект хусусида батафсил ҳикоя қилишнинг имкони йўқ. Зеро, бундай қилсак, мақолаимиз ҳажми ҳам катта-риб, зерикарли тус олиши мумкин.

Лекин Фарғонадаги бир манзил ҳақида қисқача тўхталмасак бўлмайди. Ҳар ҳолда бу ердаги манзара ким учундир фахр, ким учундир жасорат, яна ким учундир матонат намунаси бўлиши мумкин.

Хуллас, мақсадга кўчамиз. Фарғона шаҳридаги Фарғона водийси каналлардан фойдаланиш бошқармасида бир музей бор. Яъни иморатнинг кичик бир хонаси музейга айланттирилган. Экспонатлари ҳам унчалик кўп эмас. Лекин улардан вақтида нафақат водий вилоятлари, балки бутун республика қишлоқ ҳўжалиги, иқтисодиёти учун тарихий воқеа — Катта Фарғона канали қурилиши ҳақида атрофича маълумот олиш мумкин.

Жуда қисқа муддат — 45 кунда Катта Фарғона канали қурилишини, чиндан ҳам, муҳим воқеа сифатида эътироф этсак арзийди. Мазкур жараён ҳақида ўша пайтнинг марказий нашрлари мунтазам мақолалар бериб борган. Ҳатто канал қурилиши учун махсус газета ҳам ташкил этилиб, у ҳар кун чоп этиб турилган. Музейда улардан намуналар жой олган.

Умумий узунлиги 283 километрни ташкил этувчи канал ҳозирги кунда Андижон вилоятининг 77 минг 600 гектардан зиёд, Наманган вилоятининг 35 минг 700 гектардан ортиқ, Фарғона вилоятининг 119 минг 754 гектар, қўшни Қирғизистоннинг 0,757 гектар, Тожикистоннинг 18 минг 497 гектар экин майдонида сув етказиб беради. Яъни аждодлар меҳнатидан авлодлар баҳраманд бўлмоқда.

Музейда канал тарихи билан боғлиқ бошқа экспонатлар ҳам мавжуд. Ҳақиқий жасорат ва матонат тимсоли бўлган Катта Фарғона канали барпо этилиши жараёни сув ҳўжалиги вакилларидан ташқари оддий одамларда ҳам қизиқиш уйғотиши табиий.

Фарғонага йўлингиз тўшса, мазкур музейга, албатта, кириш. Чунки унда тарихимизнинг бир бўлагидан сўзловчи намуналар бор.

## Юқори ҳосил ва бекатдаги олмалар...

Тадбир иштирокчиларининг навбатдаги манзили Наманган вилояти Янгиқўрган туманидаги академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Шароф Рашидов тажриба участкасидаги бoғ бўлди. Бу ер бежиз танланмаган. Сабаби, Булоқбоши маҳалласида жойлашган ҳудуднинг сув таъминоти оғир.

Намунавий кўргазмали майдон 6,5 гектар бoғ бўлиб, қатор ораларига, 2,73 гектарга бугдой, 0,15 гектар сабзавот экинлари, 0,64 гектар картошка, 0,14 гектар лoвия, 0,12 гектар кунгабoқар экилган.

Экологик тоза махсуслат олиш учун имконият даражасида қимёвий моддалар қўлланилмаган. Богда зараркунандаларга қарши биомасъулотлар орқали курашилган. Намойиш дала майдонни 6 та контурга бўлиб, экинларнинг сувга талаби алоҳида ҳисоб-китоб қилинди. Натихада минерал ўғит, ёқилги ва ишчи кўчини 35-40 фоиз тежашга эришилди. Қишлоқ ҳўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорлик эгитлаб сугоришдаги-дан юқори бўлди.

37-тик сугориш қудуғида, Газнон каналда қилинган ишлар ҳам имкон қадар сувни тежашга қаратилган. Булар яхши, албатта. Лекин йўлдаги яна бир ҳолат эътиборимизни тортиди. Наманган шаҳридан Янгиқўрган тумани томон кетар эканмиз, йўл четлари ва бекатларга олмалар шўнчаки тўкиб ташланганига гувоҳ бўлдик. Бундай уюмларга бир нечта жойда кўзимиз тушди.



Тўғри, Наманганда богдорчилик яхши ривожланган. Йўл бўйлаб ҳосиллини кўтара олмай эгилиб қолган олма дарахтларини учратдик. Чиндан ҳам, ҳосил мўл. Лекин юқоридаги манзарани кўриб, ҳаёлимиздан бир ўй ўтди: богдонларга маҳсулотини сотиш ва сақлаш учун шароит етарлимикин? Ҳар ҳолда бу манзара етиштирувчи билан қайта ишловчи ўр-тасида олди-сотида ишлари яхши йўлга қўйилган, дейишга йўл бермайди.

## Мақсад — обиҳаётни асраб-авайлаш

Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Шўҳратбек Эргашевнинг айтишича, Андижон вилояти бўйича лойиҳа доирасида Жаҳон банки кредити ҳисобидан умумий қиймати 21,64 миллион долларлик ва бюджет маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 77,301 миллиард сўмлик шартномалар имзоланган. Натихада вилоятда 93,8 километр узунликдаги магистраль ва ҳўжаликларо каналлар қайта тикланади. 13,4 километр узунликдаги дарё ҳамда каналлар химоя тўғонлари мустаҳкамланиб, икки-та насос станцияси модернизация қилинади.

Бундан ташқари, лойиҳага кўра, Андижон вилоятида жойлашган Сабзавот, полиз экинлари ва картошканилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси дала майдонида 3 гектар ёмғирлиб сугориш ва 3 гектар томчилатиб сугориш тизими жорий

қилинган. Кўргазмали дала майдонида 1 гектар картошка, 2 гектар пиёз, 2 гектар саримсоқпиез, 1 гектар мош экилган. Томчилатиб ва ёмғирлатиш ускуналари учун жами 220 миллион сўм ажратилган.

Шунингдек, 4 та дарвоза (завтор), 110 метр муҳандислик ирригация ариғи бетонлашган. Бу ишлар учун 34 миллион сўм ажратилган.

Хўжабод туманидаги Мухтор канали 1968 йил ишга туширилган бўлиб, узунлиги 5,8 километр. Хизмат қиладиган майдони 550 гектар. Асосан, Савай каналдан сув олиб, богдорчилик ва сабзавотчилик йўналишидаги фермер ҳўжаликларига етказиб беради.

Жаҳон банки иштирокидаги лойиҳа асосида канал тўлиқ бетонлаштирилди. Лойиҳанинг Европа Иттифоқи гранти ҳисобидан эса фермер ҳўжалиklarининг сув олиш нукталарига сув ростловчи ва сув сарфини ўлчувчи 42 та ишчи қуриш режалаштирилган. Бугунги кунгача 8 та сув ростловчи, 5 та сув ўлчуш ускунаси ва 3 та тартибга солинган узан қуриб битказилди. Шу билан бирга, яна 20 та сув ростловчи, 14 та сув ўлчуш қурилмаси, 15 та тартибга солинган узан қурилади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улғулгаш ва фаол маҳалла йилли”да амалга оширишга оид Давлат дастурида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камда 7 миллиард метр куб сувни тежаш вазифаси қўйилган. “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза” лойиҳаси ҳам ана шу мақсаддаги ишларнинг бир қисми. Келажакда улар ўз самарасини бериши керак. Мухими ана шунда.

**Дилшо УЛУҒМУРОДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

НУҚТАИ НАЗАР

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАТЕМАТИКА ИЛМ-ФАНИ

## Иккисини бирлаштириб турувчи “олтин ҳалқа”лар мавжуд



**Исмоил САФАРОВ,**  
Тошкент кимё-технология институтини профессори, физика-математика фанлари доктори

шарт-шароит яратилди. Халқаро фан олимпиадаларида голиб бўлган ёшлар ва уларнинг мураббийлари меҳнатини рағбатлантириш тизими жорий этилгани ҳам математика фанини жойларда, жумладан, юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Мазкур қарорда кўплаб олимларимизни ташвишлантираётган соҳада йиғилиб қолган қатор жиддий муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилган. Математика таълими сифати ҳамда илмий тадқиқотлар самардорлигини ошириш, математик таълимнинг ўқиш босқичлари орасидаги узвийликни таъминлаш, умумтаълим мактаблари учун дарсликларни тайёрлашда ўқувчи ёшига эътибор қаратилгани, математика соҳасида маҳаллий олимларнинг хориждаги тадқиқот марказлари билан ҳамкорлиги етарли эмаслиги шулар жумласидан.

Ушбу тизимли муаммоларни ечиш мақсадида қарорда математика йўналишида мутахассислар тайёрлаш ва ўқитиш сифатини ошириш, давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш, механика ва математик моделлаштириш бўйича бакалавр ва мутахассислар тайёрлаш каби долзарб масалалар юзасидан чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борада олий таълим ва илмий-тадқиқотларнинг ўзаро интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчасида В. Романовский номидаги математика институтининг янги ва замонавий биноси барпо этилгани барча математик олимлар учун ўта қувончли воқеа бўлди. Ушбу институтнинг бир қатор университетлар ёнида очилгани талабаларни адабиётлар билан таъминлаш ва ёш олимлар муаммосини тезкор ҳал этиш имконини берди. Ёшларни илмга жалб этиш ва илмий даражани кадрлар тайёрлаш учун илмий стажёр-тадқиқотчилик институтини жорий этилган.

Ушбу қарор ижросини Тошкент кимё-технология институтининг олий математика кафедрасида бажарилган ишлар мисолида кўриб чиқсак. Қарор қабул қилингандан сўнг замонавий компьютер технологиясидан фойдаланишга асосланган ўқув адабиётлари яратилди. Кафедрада мамлакатимиз олий таълим



муассасалари учун 3 нафар фан доктори (DSc) ва 5 нафар фалсафа доктори (PhD) тайёрланди. Илмий ишлар муҳокамаси учун институтлар олимий семинар фаолияти йўлга қўйилди. Айни дамда кафедрада беш нафар докторант фаолият олиб боради.

Математика илм-фани ҳамда ҳаёт ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Мазкур қарорда математика соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг амалиёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги етарли эмаслигига алоҳида эътибор қаратилган ҳамда математика соҳасидаги илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди.

Шу муносабат билан олдимизда турган жиддий вазифалардан бири математика илм-фани ривожини ишлаб чиқариш тараққиёти билан уйғунлантириш, амалий математикани ривожлантириш ва иқтисодий тармоқларидаги муаммоларни моделлаштириш асосида математик ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

**“**МЕХАНИКА ВА АМАЛИЙ МЕХАНИКАНИ В. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ТАРКИБИГА КИРИТИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ, ЧУНКИ МЕХАНИКЛАР ШУҒУЛЛАНДИГАН МУАММОЛАР МАТЕМАТИКАНИНГ МУРАККАБ ТЕНГЛАМАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ҚЎЛ КЕЛАДИ. БУ ТЕНГЛАМАЛАР ЕЧИМИ УСТИДА МЕХАНИК ВА МАТЕМАТИК ОЛИМЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИҚДА ИЗЛАНИШ ОЛИБ БОРИШИ АМАЛИЙ МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ САМАРАЛИ ТОПИШГА ЁРДАМ БЕРЯПТИ.

Математика илм-фани ривожини ишлаб чиқариш тараққиёти билан уйғунлантириш йўналишида олдимизда турган асосий вазифалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, механика ва амалий механикани В. Романовский номидаги Математика институтини таркибига киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки механиклар шугулланганидан муаммолар математиканинги мураккаб тенгламаларини ҳал қилиш учун қўл келади. Бу тенгламалар ечимини устида механик ва математик олимларнинг ҳамкорлиқда изланиш олиб бориши амалий муаммолар ечимини самарали топишга ёрдам берапти.

Иккинчидан, назарий физика бўйича олимлар ҳам Математика институтини фаолиятига

жалб этилиши лозим. Бу назарий физика муаммоларини математик олимлар билан биргаликда ҳал этишга хизмат қилади.

Учинчидан, математика фундаментал ва амалий математикага (математик моделлаштириш) бўлинган. Ҳозир амалий математика бўлимида жуда катта механика йўналиши мавжуд. Бу соҳадаги олимлар машина, механизм, учувчи аппаратлар, биомеханика, зилзилабардошлик, енгил санаят машинаси ва аппаратлари ҳамда бошқа соҳалар муаммосини ечиш билан шуғулланади. Олдимизда ушбу йўналишдаги ҳамкорликни ҳам тизимли асосда кучайтириш вазифаси турибди.

Тўртинчидан, механика ва амалий математика бўйича тажрибали устоз олимлар сони тобора камайиб бормоқда. Шу боис, ушбу йўналишда катта тажриба тўплаган етук олимларга ҳар томонлама шароит яратиб, ўз илмий мактабларини ташкил этиши ҳамда билим ва тажрибаларини ёш олимларга етказишига қўмаклашиш лозим.

Бешинчидан, математика фанини ўқитиш илгор хорижий олий таълим муассасаларидаги сингари замонавий компьютер технологиялари асослангани зарур. Бунинг учун мазмунини ҳозирги давр талабларига ҳамоҳанг бўлган замонавий янги авлод ўқув адабиётларини яратиш эҳтиёжи мавжуд.

Мухтасар айтганда, замонавий инновацион тизимларни яратиш, илмий асосланган, юқори технологияли ишлаб чиқаришни жамият ҳаётининг барча соҳасида кенг жорий этиш мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдевори ҳисобланади. Бундай маррага эса, фақат илм-фан тараққиёти, ёшларимизнинг ақл-заковати, иқтидор ва истеъдоди, олимлар ва илм-фанни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш орқали эришиш мумкин.

ЯНГИ ТИЗИМ



# КАСБ ЎРГАНИБ, ДАРОМАД ТОПМОҚЧИМИСIZ?

## “Ишга марҳамат” мономарказларига мурожаат қилинг

Жорий йил апрель ойида иш бошлаган Косон туманидаги “Ишга марҳамат” мономаркази бугун кишиларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига Косон туманидаги касб-хунар мактаби биносининг бир қисми таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланиб, мономарказга айлантирилди.

Асосан, банд бўлмаган аҳолини сервис ва хизмат кўрсатиш, техника, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳалари, рақамли технологиялар бўйича ички ва ташқи меҳнат бозорига талаб юқори касбларга ўқитиш, малакасини ошириш каби қатор йўналишларда фаолият юритаётган мономарказда бугунга қадар турли ёшдаги 250 нафарга яқин фуқаро ўқиб, сертификатга эга бўлди. Ҳозир уларнинг кўпчилиги ўз-ўзини банд қилиб, даромад топмоқда.

— Марказимизда 14 йўналишда касбга тайёрлаш, хорижий тиллар, рақамли технологиялар ва тадбиркорликни ўргатиш бўйича курслар ташкил этилган, — дейди марказ раҳбари Шахноза Мирзаева. — Асосий ишимиз фуқаролар бандлигини таъминлашдан иборат. Маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан келган ёшлар, шунингдек, имконияти чекланганлар курсларимизда ўқиб, муайян касбга эга бўлмоқда. Курсларимиз уй бекалари учун айна мудида. Боиси, бирор мутахассисликка

эга бўлмаган аёлларимиз шу ернинг ўзида тикувчилик ва қандалатчилик сирларини ўрганиб, худуддаги корхоналарга ишга жойлашади. Маош олиб, хонадонига даромад келтиради.

Марказда ҳозир тўрт ўқитувчи, 11 нафар муҳандис, психолог ҳамда сурдотаржимон ишламоқда. Муҳандис усталар орасида хорижлик мутахассислар ҳам бор. Улар тингловчиларга касб сирларидан сабоқ беради.

### Туркиялик мутахассис дарс бермоқда

Мономарказнинг “Ҳайвонларга ветеринар ишлови бериш оператори” касбига ўқитиш бўлимида айна пайтда туркиялик малакали мутахассис Рифат Бадем дарс берапти.

— Анча йиллардан бери шу соҳадан, — дейди Рифат Бадем. — Бу ерга иккинчи бор келишим. Олдин ҳам уч ойлик шартнома асосида ишлагандим. Ўзбекистонда кейинги пайтларда ҳар соҳада катта ўзгаришлар бўлмоқда.

**“**МОНОМАРКАЗ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ НАФАҚАТ КОСОН, БАЛКИ КАСБИ, МИРИШКОР ВА МУБОРАК ТУМАНЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ КАСБ-ХУНАР ЎРГАНИШИ УЧУН ҲАМ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТДИ. ҚОЛАВЕРСА, БУ ЕРДА АҲОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗЛАРИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН КЕЛГАН ИШСIZ ФУҚАРОЛАР БЕПУЛ ЎҚИТИЛМОҚДА.

қулайлик яратди. Қолаверса, бу ерда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси билан келган ишсиз фуқаролар бепул ўқитилмоқда. — Пойабзал тузатиш устaxonан бор, — дейди эркаклар сартароши касбини ўрганаётган Ҳасан Нурбобоев. — Имкониятим чеклангани боис, шу касб билан машгулман. Болалигимдан сартарошликка қизиқишим баланд эди. Бу ерда сурдотаржимон борлиги айна мудида бўлмоқда. Келажакда айнан мен каби имконияти чекланган, яъни гапириб ва эшитишда нуқсон бор кишилар учун сартарошхона очиш истагидаман.

### Президент ташрифидан сўнг...

Жорий йил апрелда давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида айнан Косон туманидаги “Ишга марҳамат” мономарказида бўлиб, у ердаги касб-хунар ўрганаётган ёшлар билан мулоқот қилганди. Бу эса марказ жамоасини янада руҳлантириб, ўз ишига бўлган қизиқишларини оширди. — Президентимизнинг муассасамизга келиши барчамиз учун қувончли бўлди, — дейди Шахноза Мирзаева.



— Давлатимиз раҳбари тингловчилар учун яратилган имкониятлар билан танишиб, улар билан суҳбатлашди. Асосий мақсадимиз аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларни рози қилиш, инсон қадрини янада улуғлаш.

Марказнинг йиллик ўқитиш қуввати 690 нафарга мўлжалланган бўлса-да, аҳоли ўртасида касб-хунар ўрганишга талаб юқорилиги боис, ҳозир машгулотлар икки сменада ўтказилмоқда. Демак, энди йиллик қувват 1380 нафарга етади. Бу эса касб ўрганишини истовчилар сони йилдан-йилга ошаётганидан далolat беради.

— Ешим ўттиз бешда. Бу ерда ўқитиш бошлаганимга икки ой бўлди, — дейди аёллар сартароши йўналишида касб ўрганаётган Манзура Соҳибова. — Президентимиз мономарказга келганини телевизорда кўриб, туманимизда шундай имкониятлар яратилганидан хабар топдим. Келиб, танишиб қилсам, ўқиш бепул экан. Ҳозир иш ўрганаётман. Туманимизда иш ўрни бор. Фақат хунарни яхши ўзлаштириб олишим зарур. Келгусида мен ҳам маош олиб, оилам фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

### Йилига уч мингга яқин сертификат берилмоқда

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ижроси доирасида Қарши шаҳридаги фаолият тугатилган санаят касб-хунар коллежи биносидан “Ишга марҳамат” мономаркази ташкил этилди.

2021 йил июль ойидан иш бошлаган мазкур марказда 37 йўналишда касбга тайёрлаш, хорижий тиллар, рақамли технологиялар ва тадбиркорликка ўргатиш каби курслар ташкил этилган.

— Муассасамизда йилига 2790 нафарга яқин кишини ўқитиш имконияти мавжуд, — дейди мономарказ директори Зулфизар Саъдуллаева. — Ҳозир вилоятимизнинг кўпгина туманларидан касб-хунар ўрганиш истагиди аҳоли вакиллари келиб ўқимолди. Курсларимизда, асосан, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида келган кишилар бепул таълим олишмоқда. Шунингдек, бирор касбга эга, аммо қўшимча хунар ўрганиш истагиди бўлган фуқароларга ҳам пулли хизмат йўлга қўйилган.

— Ҳозирги кунда 2021 йил июль ойидан иш бошлаган мазкур марказда 37 йўналишда касбга тайёрлаш, хорижий тиллар, рақамли технологиялар ва тадбиркорликка ўргатиш каби курслар ташкил этилган. — Муассасамизда йилига 2790 нафарга яқин кишини ўқитиш имконияти мавжуд, — дейди мономарказ директори Зулфизар Саъдуллаева. — Ҳозир вилоятимизнинг кўпгина туманларидан касб-хунар ўрганиш истагиди аҳоли вакиллари келиб ўқимолди. Курсларимизда, асосан, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида келган кишилар бепул таълим олишмоқда. Шунингдек, бирор касбга эга, аммо қўшимча хунар ўрганиш истагиди бўлган фуқароларга ҳам пулли хизмат йўлга қўйилган.

— Ҳозирги кунда 2021 йил июль ойидан иш бошлаган мазкур марказда 37 йўналишда касбга тайёрлаш, хорижий тиллар, рақамли технологиялар ва тадбиркорликка ўргатиш каби курслар ташкил этилган. — Муассасамизда йилига 2790 нафарга яқин кишини ўқитиш имконияти мавжуд, — дейди мономарказ директори Зулфизар Саъдуллаева. — Ҳозир вилоятимизнинг кўпгина туманларидан касб-хунар ўрганиш истагиди аҳоли вакиллари келиб ўқимолди. Курсларимизда, асосан, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида келган кишилар бепул таълим олишмоқда. Шунингдек, бирор касбга эга, аммо қўшимча хунар ўрганиш истагиди бўлган фуқароларга ҳам пулли хизмат йўлга қўйилган.

Ақбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

66

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ”, ХАЛҚАРО МАҚОМ АНЖУМАНИ, ОЗАРБАЙЖОНДАГИ “ХАРИБУЛБУЛ” ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ КАБИ ЙИРИК ТАДБИРЛАРДА ИККИ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛ ҚАТНАШАЁТИР. ЖАЪФАР ЖАББОРИ НОМИДАГИ ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ БУ ЙИЛГИ 140-МАВСУМИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИ ҚУЧҚОР НОРҚОБИЛНИНГ “БЕШ БЕВА ВА БИР БОШЛИК” МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯСИ БИЛАН ОЧИЛГАНИДАН БИР ҚУВОНГАН БУЛСАК, ҲАЗРАТ НАВОИЙНИНГ 580 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БОКУДА НАВОИЙ АСАВЛАРИНИНГ ПРОФЕССОР РАМИЗ АСҚАР ТОМОНИДАН ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИГА ЎГИРИЛГАН КИТОБЛАРИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТГАНИДАН ЎН ҚУВОНДИК. АДАБИЁТИМИЗНИНГ ТОЛМАС ТАДҚИҚОТЧИСИ АЛМАЗ БИННАТОВАНИНГ “ЎЗБЕК АДАБИЁТИ” КИТОБИ ОЗАРБАЙЖОНДА НАШР ЭТИЛДИ.



АДАБИЙ ҲАМКОРЛИК — АБАДИЙ ҲАМКОРЛИК

# ХОН ҚИЗИНИНГ ҲОВЛИСИДА КЕЧГАН МУШОИРА

## ёхуд қардошлар қалбидан сув ичаётган дўстлик дарахти



Ўзбек ва озарбайжон халқларини кўп асрлик адабий ришталар боғлаб туради. Низомий асарлари ўрта асрлардан бошлаб ўзбек тилига таржима қилинган бўлса, Навоий ўлмас “Хамса”си билан туркий қаламқашларни беҳад илҳомлантирди. Фузулий Ҳазрат Навоий ижодини катта қизиқиш билан ўрганган, унинг адабий мероси XVII асрдан бошлаб Туркистон мадрасаларида дарслик сифатида ўқитилган. Адабиётшунос Тўхтасин Жалолов таъбири билан айтганда, ғазал жанрини камолотга етказган буюк санъаткор, Навоийдан сўнг бу жанрда энг кўп, энг гўзал, энг нафис ва энг оҳангдор ғазаллар яратган “Фузулий — туркий тилларда сўзлашувчи барча халқларнинг муштарак шарафи, уларнинг муштарак Ҳофиз Шерозийси”га айланди.

Жавоншер, Гавҳар оға, Мусохиб, Ҳолий каби таъби наъми бор қариндошларининг ҳиссаси катта. Хайрия ишлари, таълим ва тарбияга эътибори ва кўп таҳсил кўргани унинг шухратини жанубий Кавказга ёйди. Шоира ёшлик чоғидаёқ аввал отасидан, кейинроқ онасидан айрилган бўлса, буйга етгач, танимаган, билмаган одамга турмушга чиқишига тўғри келди. Турмуш ўртоғи саводли ва лаёқатли, аммо терс табиатли ва тундмиқоз Ҳасайихондан икки фарзанд — Маҳдиқулихон ва Хонбека туғилди. Ҳасайихон 1866 йилда Воронежга сургун қилинган, Хуршидбону Сайид Хусайн исми шушалик камбағал билан турмуш қуриб, ундан беш фарзанд кўрди. Катта ўғли Маҳдиқулихон онасидан норози бўлиб, хизмат жойидан уйига келмай қўйди. Бундан маъюсланган шоира кўп маъзун шеърлар битди. 1885 йилда эса Мираббос исми ўғли 17 ёшида оғир касалликдан вафот этди. Бундан қаттиқ азият чеккан шоира яна бир туркум қайғули шеърларида фарзанд доғида куйган она қалби оргилларини бадий ифодалади. Нотавоннинг некин руҳли, ҳаётга, дунёга, табиатга илҳом билан боқиб ёзган шеърлари ҳам кўп. “Эй гули савсан...”, “Бинафша” каби ғазалларида табиат гўзаллиқларидан туйилган ҳайрат ва ҳаёт ишқи ёрқин кўринишда акс этган. Унинг шеърларида инсоний ҳол ва табиат манзараларини рассом сингари тасвирлаш кўзга ташланади.

Мен ҳам худди шу мажлис ўтказилган тошлоқ тупроқда бўлдим, унда қатнашдим, шеър ўқидим, кўнглимдан кечганларни изхор қилдим, сўз аҳли олиқшидан, қардош элнинг меҳрили нигоҳларидан куч олдим, илҳомландим, севиндим. Кўҳна вайроналару тошқасрлар — сангинсаройлар ичра табиат аллақачон энгиб, турфа ўт-ўлан забт этишга улгурган тош йўлақлар узра кезаркан, мана бу сатрлар битилди:

*Ишқ эмас бу, сабаб бу,  
Шеър эмас бу, шабаб бу:  
Навоийга назира,  
Фузулийга татаббу...*

Шу йил Озарбайжон халқ ёзувчиси Анор муаллимнинг “Албатта учрашамиз” ҳикоялар тўплами Маматқул Ҳазратқулов таржимасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан кўп миң нусхада чоп этилди. Биз ўша китобни Шушадаги анжуманда ёзувчига топширдик. Унга китобни бериб, устоз Сирожиқдин Сайиднинг кутловини етказиб, елкасига ўзбекча тўн ёпиб, бошига дўппи кийгизиб, белига қийқ боғлаганимизда кекса ёзувчининг нақадар қувонганини бир кўрсангиз эди!

Ўзбек адабиёти муҳибни, дўсти, тарбиячиси, шоира Ганира Пошшоевага ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг совғаси — миллий тўн, дўппи ва Тошкентни эслатувчи аjoyиб сурат тақдим этилди.

Икки халқ ўғли Мақсуд Шайхзода асарлари адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олди. Юртимизда Озарбайжон миллий маданият маркази иш бошлаши, Тошкентда Ганжавий ва Ҳайдар Алиев, Боқуда эса Алишер Навоий хайкали ўрнатилиши қардошлигимизга ишоратдир. Президентимизнинг 2019 йил октябрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Боқуда таърифи давлатлар ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиққани рост.



Ўзбек адабиёти Озарбайжонда тадқиқот мавзуси бўлиб келаётди. Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мақсуд Шайхзода ва Холид Саид Ҳужаев, “Озарбайжон ва Ўзбекистон халқларининг адабий дўстлиги” каби мавзуларда ўтказилган халқаро илмий анжуманларда ҳар икки мамлакат олим ва адиблари доим фаол. Бунда Шуркат Сирожиқдинов, Иброҳим Ҳақул, Ҳамидулла Болтабоев, Исо Ҳабиббейли, Яшар Қосимов, Рамиз Аскар ва Алмаз Биннатова каби адабиётшуносларнинг хизматлари катта.

Ўзбекистондаги “Шарқ тароналари”, Халқаро мақом анжумани, Озарбайжондаги “Харибулбул” халқаро фестивали каби йирик тадбирларда икки халқ вакиллари фаол қатнашаётир. Жаъфар Жабборли номидаги Озарбайжон давлат драма театрининг бу йилги 140-мавсуми ўзбек драматурги Қучқор Норқобилининг “Беш бева ва бир бошлик” муסיқали комедияси билан очилганидан бир қувонган бўлсак, Ҳазрат Навоийнинг 580 йиллиги муносабати билан Боқуда Навоий асарларининг профессор Рамиз Аскар томонидан озарбайжон тилига ўғирилган китоблари тақдимоти бўлиб ўтганидан ўн қувондик. Адабиётимизнинг толмас тадқиқотчиси Алмаз Биннатованин “Ўзбек адабиёти” китоби Озарбайжонда нашр этилди.

Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги тантаналари арафасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев икки давлат ўртасидаги азаллий дўстлик, илм-фан ва маданий-гуманитар алоқаларни, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси учун бир гуруҳ озарбайжонликлар, жумладан, Боқу давлат университети туркология кафедраси мудири, профессор Рамиз Аскар

ҳамда Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг Низомий номидаги Адабиёт институти Озарбайжон — Туркманiston — Ўзбекистон адабий алоқалари бўлими мудири Алмаз Биннатовани “Дўстлик” ордени билан тақдирлади...

Истанбул — Боқу йўналиши бўйича парвоз қилган учоғимиз Ҳайдар Алиев номидаги халқаро кўналгага келиб кўнганда соат миллири маҳаллий вақт билан 22:00 ни кўрсатиб туради. Расмийташқиқлардан сўнг меҳмонхоналарга жойлашганимизда соат 23 дан ошган, йўл чарчоғи сезилган, кўзларни уйқу босаётган палла эди. Саҳар соат 5 да автобусга чиқишимиз керак, унда ТУРКСОЙ томонидан 2023 йилда “Туркий халқлар маданияти пойтахти” дея эълон қилинган Шуша шаҳрига боришимиз, у ерда шоира Хуршидбону Нотавон таваллудининг 190 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этишимиз ва XIX асрдан бери ўтказиб келинадиган “Мажлиси унс” мушоирасида Ўзбекистон номидан қатнашишимиз керак.

Қадим Шушада арбоб ва шоира Нотавон таваллуди тантанасида ўзбек, турк, қирғиз, қозоқ ва озарбайжон шоирлари жам бўлди. Хон қизининг қадим саройи ҳовлисида кечган анжуманда Озарбайжон маданият ноири Анор Қаримов, Маданият қўмитаси раиси Ганира Пошшоева,

Ўзарлар бирлиги раиси, халқ ёзувчиси Анор муаллим (Рзаев), академиклар — Исо Ҳабиббейли ва Рафаэль Хусайнов каби таниқли арбоблар иштирок этди. Сўзга чиққанлар шоира ижоди ва ҳаёти, Шуша шаҳридаги адабий муҳит, қардош халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг илдизи адабиётдан, санъатдан сув ичиб келаётгани, бу дўстлик дарахти тобора буй қўзаётгани ҳақида сўзлашди. Ҳар бир меҳмон ўз она тилида шеър ўқиди. Биз ҳам она тилимизда янраган шеърларимиз орқали тупроқларимиз тафтини қардошларга улашдик.

Анжуман минбарига туриб ушбу хотираларимни илдиндим. “Бир пайтлар озарбайжон хонандаси Зайнаб Хонларованин “Ай маним Орузу қизим” қўшиғи кўп машҳур бўлган. Бу қўшиқнинг айрим сатрларини болалик чоғларимда отамдан эшитгандим. Кейинчалик қўшиқнинг аслини топиб, тинглаб юрдим. Бу гўзал хонш мени Озарбайжон отглири бир диёрга йилларча қўрлаб тургандек туюлади. Кўнглимга ўтирган ушбу қўшиққа бўлган севгим ўтини йиллар шамолли ўчириш ўрнига янада алангалатди. Қоқ ўттизда қиз фарзандли бўлдим, унга Орузу деб исм бердик. Ҳозир қизалогимни, “Ай маним Орузу қизим, кўнглимнинг ёзи қизим”, деб эркалайман. Шундай қилиб, ўттизимда ўз Орузимга етдим... Озарбайжон халқи ҳам ўз орузига эришди. Кутлўғ бўлсин!”

Бу сўзларимдан ўтирганлар, табиийки, тўлқинландилар ва олиқшадилар. Аммо ўзим қизалогимни эслаб, энтиқдим, бир кун ўтмай қизимни, оиламни, неварасини кўчиб-суйиб эркалаётган онамни, уйимни — Ватанимни соғинганимни ҳис қилдим.

Тўғриси, бу қардош ўлканнинг Зайнаб Хонларовадан бошқа яна кўплаб машҳур ва маъруф фарзандлари бор. Улар орасида шушалик адабиёт ва санъат намоянадалари кўп. Тарихи, маданияти, гўзал ва бетакор табиати ҳар бир қалбни тўлқинлантириб юборадиган Қорабоннинг Мулла Паноҳ Воқиф, Булбул Мамедов каби улўғ фарзандларини биларсиз? Шундай машҳур шахслардан бири шоира Нотавондир.

Хон қизи номи билан ҳам танилган шоира Хуршидбону Нотавон Маҳдиқулихон қизи Жавоншер кўпгина савобли ишларнинг бошида тургани, қўли очиклиги, саҳийлиги ва йўқсилларни қўлаши, нозик ва лирик шеърлари, она шахри ободончилиги, адабий-маданий ҳаёти жонланишига улкан ҳисса қўшгани билан эл муҳаббатини қозонган аёл арбоблардан. У 1832 йил 15 августда Шушада туғилган. Оиланин ягона авлоди бўлгани учун уни саройда “Дури якто” ҳам дейишган. Ёш Хуршидбонунинг бадийи завқи, дунёқараши шаклланишида Мирзо Жамол, Аҳмадбей

1897 йилнинг 1 октябрида оламдан ўтди. Шоиранинг дафн маросимида қатнашган жамоат тобутни Шушадан Агдамагача пиёда элтиди. У Агдамадаги Иморат деб аталган оилавий қабристонга қўйилган. Яқинда ёш авлодни халқларимизнинг энг гўзал адабий-бадийи дурдоналари мисолида тарбиялаш мақсидида Сурхондарёдаги Термиз давлат университетига Хуршидбону Нотавон маркази очилди.

Хуршидбону Нотавон “Мажлиси унс” адабий йилгини ташкилотчиси сифатида эътироф этилади. Чунки XIX асрнинг иккинчи ярмида Шушанин энг ижодкорлари Ҳожи Аббос Огаҳнинг манзилида мунтазам тўпланадиган бўлган. 1872 йилда Қорабоғ хонлиги дарбор мундсийи Мирзо Муҳаммадбоқий вафот этгач, Нотавон мажлис йиғинларини юритишни Мирзо Раҳим Фанога топширган. Шу йилдан эътиборан мажлис Нотавоннинг саройида ўтказиладиган бўлди ва “Мажлиси унс” номини олди. Шоиранинг ўғли Маҳдиқулихон Вафо ва созанда хонандалар ҳам бу мажлисларда қатнашган. Шоира мажлис учун ажратган кенг ва ёруғ залда Низомий, Саъдий, Навоий, Фузулий асарлари ўқилиб, таҳлил қилинган, уларга назиралар ёзилган...

озарийлар ҳам, туркиялик меҳмон ҳам, қирғиз ва қозоқлар ҳам осон англаётгани. Бунинг сабаби ўзбек тили қарпук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг кўпгина унсурларини элнинг меҳрили нигоҳларидан куч олдим, илҳомландим, севиндим. Кўҳна вайроналару тошқасрлар — сангинсаройлар ичра табиат аллақачон энгиб, турфа ўт-ўлан забт этишга улгурган тош йўлақлар узра кезаркан, мана бу сатрлар битилди:

Ўзарийлар ҳам, туркиялик меҳмон ҳам, қирғиз ва қозоқлар ҳам осон англаётгани. Бунинг сабаби ўзбек тили қарпук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг кўпгина унсурларини элнинг меҳрили нигоҳларидан куч олдим, илҳомландим, севиндим. Кўҳна вайроналару тошқасрлар — сангинсаройлар ичра табиат аллақачон энгиб, турфа ўт-ўлан забт этишга улгурган тош йўлақлар узра кезаркан, мана бу сатрлар битилди:

Ўзарийлар ҳам, туркиялик меҳмон ҳам, қирғиз ва қозоқлар ҳам осон англаётгани. Бунинг сабаби ўзбек тили қарпук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг кўпгина унсурларини элнинг меҳрили нигоҳларидан куч олдим, илҳомландим, севиндим. Кўҳна вайроналару тошқасрлар — сангинсаройлар ичра табиат аллақачон энгиб, турфа ўт-ўлан забт этишга улгурган тош йўлақлар узра кезаркан, мана бу сатрлар битилди:

Ўзарийлар ҳам, туркиялик меҳмон ҳам, қирғиз ва қозоқлар ҳам осон англаётгани. Бунинг сабаби ўзбек тили қарпук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг кўпгина унсурларини элнинг меҳрили нигоҳларидан куч олдим, илҳомландим, севиндим. Кўҳна вайроналару тошқасрлар — сангинсаройлар ичра табиат аллақачон энгиб, турфа ўт-ўлан забт этишга улгурган тош йўлақлар узра кезаркан, мана бу сатрлар битилди:

Ўзарийлар ҳам, туркиялик меҳмон ҳам, қирғиз ва қозоқлар ҳам осон англаётгани. Бунинг сабаби ўзбек тили қарпук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг кўпгина унсурларини элнинг меҳрили нигоҳларидан куч олдим, илҳомландим, севиндим. Кўҳна вайроналару тошқасрлар — сангинсаройлар ичра табиат аллақачон энгиб, турфа ўт-ўлан забт этишга улгурган тош йўлақлар узра кезаркан, мана бу сатрлар битилди:



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетаниннг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер мақолазида саҳифаланди.  
Газетаниннг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1064.  
80471 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева  
Мусахҳих: Малоҳат Минғобоева  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй